

«Санъат гулшани» маданият саройида Брайль ёзувида чоп этилган Қуръони Карим тақдимоти ўтказилди



16:55 / 10.03.2022 2234

Бугун Тошкент шаҳри Чилонзор туманида жойлашган кўзи ожизлар жамиятининг «Санъат гулшани» маданият саройида Брайль ёзувида чоп этилган Қуръони Карим китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Бу «Қуръони Карим» араб алифбосида Брайль ёзувида саккиз китобдан иборат.

Ушбу китоб Кўзи ожизлар босмахонасида тўртинчи бор нашр қилиниши. Бундан аввал 1997, 2004, 2006 йилларда ҳам нашр қилинган бўлиб, ўқиш ва ўрганишга қулайлиги бўйича дунёда биринчилардан ҳисобланади. Нашр нусхалари МДХ давлатларининг барчасига, шунингдек, Европа, Осиё, Африка, Америка қитъаларидаги давлатларгача етиб борган.

Жумладан, Россия Федерацияси, Буюк Британиянинг Қироллик кутубхонаси, Мадинадаги Масжиди Набавий кутубхонаси ҳамда АҚШдаги Муслмонлар Уюшмаларига ҳам тақдим этилган. Бундан ташқари мазкур китоб юртимиздаги Ҳазрати Имом ва имом ал-Бухорий зиёратгоҳларидаги Қуръон музейлари ҳамда Ислом дини йўналишидаги Олий ва ўрта-махсус билим юртларида ҳам фойдаланилади.

Брайль шрифтидаги Қуръони Каримнинг янги нашри мазкур китобдан фойдаланувчиларнинг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда замонавий технологиялар ёрдамида чоп этилди.

Ҳар бир жамланма 8 китоб ва аудио флешкадан иборат бўлиб, 500 нусхада тайёрланган. Уларнинг 250 нусхаси Қувайт Ҳалқаро Ислом Жамғармасининг ҳомийлик маблағлари ва қолган қисми ички имкониятлар ҳисобидан нашр қилинган.

Манба: azon.uz